

“Дунёда бирор нарса вужудга келиши учун қўйилган сабаблар иккитадир:

1. Ҳис этиладиган. 2. Ҳис этилмайдиган.

Ҳис этиладиган сабаблар ақл билан билинадиган, ҳис қилиш аъзолари орқали идрок этиладиган нарсалардир. Ҳис этилмайдиган сабаблар эса ақл билан билиб бўлмайдиган, ҳис қилиш аъзолари идрок эта олмайдиган нарсалардир. Ҳар иккаласини ҳам барча нарсага қодир бўлган Зот сабаб қилиб қўйгандир.”

Яъни инсон тоза ҳавода юриши аъзоларининг соғлом бўлиши учун зарур эканлигини ва бу нарса аъзоларининг узоқ муддат ишлашига сабаб эканлигини ҳис эта олади. Аммо қариндошчилик алоқаларини боғлашнинг соғлом бўлишга ва аъзоларнинг узоқ муддат ишлашига нима алоқаси борлигини ҳис эта олмайди. Охиратга аниқ ишонган мўмин банда “*Ҳар иккаласини ҳам барча нарсага қодир бўлган Зот сабаб қилиб қўйгандир*” дейди ва бу бўлиши аниқ аммо инсоннинг ҳис қилиш аъзолари идрок эта олмайдиган нарсалардандир деган тушунчада бўлади.

Аллома Тафтазонийнинг “Шарҳу ақоид” китобида айтган сўзлари бу тушунчани янада ёрқин ифодалаб беради: “*Аллоҳ таоло, банда бу тоатни қилмаганда унинг умри қирқ йил бўлишини лекин уни қилиб умри етмиш йил бўлишини билган. Агар бу тоат бўлмаганида мазкур зиёдалик ҳам рўёбга ошмаслигини Аллоҳ таолонинг азалдан билиши эътиборидан бу зиёдалик ўша тоатга нисбат берилган*”

Хулоса қилиб айтганда соғлом бўлиш, тоза ҳавода юриш, бадантарбия қилиш каби ишларни узун умр кўришликка сабаб қилиб қўйган Зот, қариндошлик алоқаларини боғлашликни ҳам узун умр кўриш учун сабаб қилиб қўйгандир. Аллоҳ таоло барчамизни атрофдагиларимизга яхшилик қиладиган, қариндошлик алоқаларини мустаҳкамлайдиган ва бунинг самараси ўлароқ ризқи кенг, умри узун бандалардан қилган бўлсин.

Абдулқодир Пардаев

[1] Ажал- луғатда: “*Кейин келмоқ*”, “*Чегара*” каби маъноларни англатади. У ҳаётдан кейин келгани ва унинг чегараси бўлгани учун шундай номланган.